

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 249 (5240)

1 НОЯБРЬ 1983 й.  
СЕШАНБА  
Газета 1966 йил  
1 июлда чиқа бошлаган.  
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

— телефон —  
— газеталарга

← КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Жазаор революциясининг 29 йиллиги муносабати билан Жазаор Халқ Демократик Республикаси партия ва ҳукумати раҳбарларига, дўст Жазаор халқига йўллаган табрик телеграммалари эълон қилинган.

← Болгария шаҳарлари уюшмасининг бош секретари Митко Димитров Ўзбекистонда меҳмон бўлди. У Тошкентнинг дивертта сазовор жойлари билан танишди, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўрсаткичи билан танишди. Георгий Димитров номидаги 9-мактабда бўлди. Самарқандга сафар қилди. Митко Димитров халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетини қабул қилди.

## СОВЕТ-ВЬЕТНАМ ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

ХАНОИ, 31 октябрь. (ТАСС). Бугун Ханойда СССР билан Вьетнам ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг беш йиллигига ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигига бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. «Ватинь» залидagi митингга КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев бошчилигидаги Совет

партия-ҳукумат делегацияси, ВКП Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Коммунистик партияси ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Митингга ВКП Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Коммунистик партияси ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

нинг аъзоси, Вьетнам Коммунистик партияси ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Митинг КПСС билан ВКП ўртасидаги дўстлик ва бирдамлик, Совет ва Вьетнам халқларининг қардошларча бирлиги белгиси остида ўтди.

### КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-

тетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шароф Рашидович РАШИДОВ 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилдилар.

КПСС  
МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ  
СОВЕТИ  
ПРЕЗИДИУМИ

СССР  
МИНИСТРЛАР  
СОВЕТИ

### ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, Ўзбекистонда партия ва совет қурилишининг атоқли ташкилотчиси, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий

Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович РАШИДОВ 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этганлигини республика коммунистларига, барча меҳнаткашларига чуқур қайғу билан маълум қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК  
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ОЛИЙ СОВЕТИ  
ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
МИНИСТРЛАР  
СОВЕТИ

# ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВ

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Шароф Рашидович Рашидов 1983 йил 31 октябрда тўсатдан вафот этди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Шароф Рашидович Рашидов ўзининг бутун ҳаётини коммунизм қурилиши улуг ишига бағишлади.

Ш. Р. Рашидов 1950 йилдан 1959 йилгача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва 1960 йилгача СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, 1970 йилдан буён СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси эди.

Шароф Рашидович Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Ўзбекистон ССРнинг Жиззах шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У 1939 йилдан буён КПСС аъзоси эди. Самарқанд Давлат университетини ва ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1935 йилда ўқитувчиликдан бошлади. Бир неча йиллар мобайнида журналистика ишида бўлди. У 1941 йилнинг августидан бошлаб комсомол ишида ва Совет Армиясида партия ишида бўлди, немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда қатнашди. 1943 йилда оғир жараҳатлангандан кейин Совет Армиясидан қайтиб, Самарқанд область газетасида редактор бўлиб ишлади. 1944 йилда у Самарқанд область партия комитетининг секретари этиб сайланди. 1947 йилдан бошлаб республика «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактору, кейинчалик эса Ўзбекистон Езувчилар союзи прав-

лениесининг раиси бўлди. Ш. Р. Рашидов 1950 йилдан 1959 йилгача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ва 1960 йилгача СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, 1970 йилдан буён СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси эди.

Ш. Р. Рашидов 1959 йилнинг мартдан умрининг сўнгги кунларигача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлади. Партиянинг XX съезидида Марказий Комитет аъзолигига кандидат этиб, XXII—XXVI съездларида эса КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1961 йилдан 1966 йилгача КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, 1966 йил апрелдан эса КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат бўлди. Ш. Р. Рашидов III—X Чақириқ СССР Олий Советининг депутати эди.

Ш. Р. Рашидов партия, давлат ва жамоат фаолиятининг барча соҳаларида коммунизм ишига чекисиз садоқат, партия сиёсатини амалга оширишда ирода ва қатъият кўрсатиб келди. Янгиликни ҳис этиш, партия ва давлат турмушига доир масалаларни ижодий ҳал этиш, кишиларни жипслаштириш ва уюштириш маҳорати унга хос фазилатлар эди. У қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилди.

Ш. Р. Рашидов партия, давлат ва жамоат фаолиятининг барча соҳаларида коммунизм ишига чекисиз садоқат, партия сиёсатини амалга оширишда ирода ва қатъият кўрсатиб келди. Янгиликни ҳис этиш, партия ва давлат турмушига доир масалаларни ижодий ҳал этиш, кишиларни жипслаштириш ва уюштириш маҳорати унга хос фазилатлар эди. У қарийб чорак аср мобайнида республика партия ташкилотига бошчилик қилди.

Ю. В. АНДРОПОВ, Г. А. АЛИЕВ, М. С. ГОРБАЧЕВ, В. В. ГРИШИН, А. А. ГРОМИКО, Д. А. КУНАЕВ, Г. В. РОМАНОВ, Н. А. ТИХОНОВ, Д. Ф. УСТИНОВ, К. У. ЧЕРНЕНКО, В. В. ШЕРБИЦКИЙ, В. И. ВОРОТНИКОВ, П. Н. ДЕМИЧЕВ, В. И. ДОЛГИХ, В. В. КУЗНЕЦОВ, Б. Н. ПОНОМАРЕВ, М. С. СОЛОМЕНЦЕВ, Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ, М. В. ЗИМЯНИН, И. В. КАПИТОНОВ, К. В. РУСАКОВ, Н. И. РИЖКОВ, Т. Н. МЕНТЕШАВИЛИ, Е. АЙТМУРатов, И. Г. АНИСИМИН, Ю. П. МАКСИМОВ, В. К. МИХАЙЛОВ, М. М. МУСАХОНОВ, Т. Н. ОСЕТРОВ, О. У. САЛИМОВ, И. Б. УСМОНХУЖАЕВ, Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Қ. КАМОЛОВ, Н. М. МАХМУДОВА, У. УМАРОВ, Р. АШУРАЛИЕВ, Р. Ф. ГОЙИПОВ, В. П. ЕСИН, М. КАМОЛОВ, А. КАРИМОВ, А. К. КАРИМОВ, С. МАМАРАСУЛОВ, Х. УМАРОВ, В. А. ХАЙДУРОВ, М. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Х. А. ШОҒАЗАТОВ, Г. М. МАРКОВ, О. С. СОДИҚОВ, Х. РУСТАМОВА, Н. П. ЖЕЛЕЗНОВ, Ж. ЮСУПОВ, С. О. АЗИМОВ.



### Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар Матбуот маркази хабар беради

Шаҳар партия ташкилотидagi ҳисобот-сайлов кампанияси янги босқичга кирмоқда. Шу йил ноябрь-декабрь ойларида шаҳар ва район ҳисобот-сайлов партия конференциялари бўлади. Бугун шаҳар бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари илҳомига етмоқда.

#### ЯНГИ ТАШАБУСУЛАР

«Главташкентстрой» биринчи беш йилликда транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳайдовчиси И. Абдувалiev ҳисобот-сайлов партия йиғилишида сўзга чиқиб, беш йилликнинг тўртинчи йили планини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаган мажбуриятини олди. «Уртоқ» кондитер фабрикасининг машинисти П. Насриддинов ун биринчи беш йиллик план-топириқларини тўрт йилда бажариш ва пландан таъқари 119 тонна ирис конфетларини ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Ҳозир 1987 йилнинг май ойи ҳисобига меҳнат қилаётган «Матбуот» ишлаб чиқариш бirlашмасининг 100 донга буюм тайёрлиги М. Зайтаев ун

#### КОММУНИСТЛАРНИНГ ТАҚЛИФЛАРИ ВА ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси сейсмология институтининг бошқа турдаги бўлиб ўтган ҳисобот сайлов партия йиғилишида институт директорининг ўринбосари С. Қосимов институт лаборатория қурилиши корпуси қурилиши ишга тузириш мuddатларини ташкилотларини тайясимос қилиб мувожаат этиди. Чунки аша шу ерда темир йўл транспортининг бир қатор корхоналари ва ташкилотлари жойлашган.

#### ТАҚЛИФ ВА ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗАЛАР АМАЛГА ОШМОҚДА

Ўзбекистон ССР Напирётлар полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ремонт-қурилиш бошқармасида коммунист Ю. Матқосимов автомобиль транспортининг ёмон ишлатилиши, бу баъзи пайтларда бекор туришга, баъзи пайтларда эса штурмчиликка олиб келатгани ҳақида таъкидий фикр билдирган эди. Партия бюросининг тақлифига биноан ремонт-қурилиш бошқармаси маъмурияти объектларни автоматизация билан таъминлашнинг аниқ графинини ишлаб чиқди. Уларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилиши ва белгиланган ишларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтирди. 11-«Высот т р о й» трести 75-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бригадир Б. Жураев томонидан Байнал-Минал кўчасида қуриляётган объектда маъмурий хоналар гамини қурмаган маъмурият номига таъкидий фикр баён этилган эди. Ушбу масала партия комитетининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилди. Объектда махсус янқозланган маъмурий мақсадлар учун 2 та вагон ўрнатилди. 1-қурилиш трести 1-қурилиш бошқармасининг бригадир В. Тулини кўрғазмали агитациянинг ташкилотининг эканлиги учун қасаба союзу комитетининг таъкидий қилган эди. Бошқармада ва объектларда кўрсатилган камчиликларни тузатиш чоралари қурилди. 3-автотбус парнида коммунист М. Мадалимов ҳисобот даврида партия йиғилишида коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаб борилмаган трести учун ҳеш партия ташкилотини фаолиятини таъкидий қилган эди. Партия ташкилотини истиқболли иш планини тузишда М. Мадалимовнинг таъкидий иноватга олди.

### Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қилдилар: КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Шароф Рашидович

Рашидовни дафн этишни уюштириш учун И. Б. Усмонхўжаев (ранс), Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. К. Камолов, Н. М. Махмудова, У. У. Умаров, С. О. Азимов, В. А. Головин, Н. М. Железнов, Н. И. Иброҳимов, С. О. Паршин, Х. Рустамова, О. С. Содиқов, Х. А. Шоғазатовдан иборат ҳукумат комиссияси тузилсин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИЙ БЮРОСИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ, ИККИ МАРТА СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ, ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВНИ ДАФН ЭТИШНИ УЮШТИРУВЧИ

#### ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

Шароф Рашидович Рашидов жасади солинган тобут В. И. Ленин номида СССР халқлари дўстлиги саройига қўйилди.

Марҳум билан видолашув 1 ноябрь соат 10 дан 19.00 гача ва 2 ноябрь соат 9 дан соат 12 гача бўлади. Дафн этиш маросими 2 ноябрь соат 14 да бўлади.

### Шароф Рашидович РАШИДОВНИНГ касалиги ва вафотининг сабаби тўғрисида МЕДИЦИНА ХУЛОСАСИ

Ш. Р. Рашидов 1917 йилда туғилган, юраннынги ишмеми касалиги, юрак томирларининг атеросклерози, инфарктдан кейинги кардиосклероз дарағида чалинган. 1983 йил 30 октябрь кунини соат 19 да бирдан тақдирий тароқ миокард инфаркти бошланди. Натияжада юрак фаолияти кескин бузилди ва 31 октябрь кунини эрталаб соат 5 да юрак уришдан тўхтади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги 4-бош бошқарма бошлиғи А. С. БОТИРБЕКОВ  
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Р. А. КАЦЕНОВИЧ  
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор К. И. АЙЛДОШЕВ  
Даволашни врач Б. П. НАУМОВ.

#### Республика областларида пахта таъёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 31 октябрда бўлган

| МАЪЛУМОТ   | (Планга нисбатан процент ҳисобида) |       |        |       |       |
|--|------------------------------------|-------|--------|-------|-------|
| Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир қанда таъёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошдан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир қанда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошдан буён. | ХОРАЗМ                             | 1,25  | 100,54 | 0,75  | 54,75 |
| ҚҚ АССР  | 1,40                               | 93,34 | 1,14   | 63,84 |       |
| Тошкент  | 1,03                               | 91,80 | 0,86   | 77,41 |       |
| Бухоро   | 0,75                               | 82,27 | —      | 8,01  |       |
| Қашқадарё  | 1,48                               | 78,58 | 1,33   | 47,33 |       |
| Навоий   | 1,11                               | 76,02 | 0,81   | 24,35 |       |
| Самарқанд  | 1,26                               | 72,63 | 1,44   | 31,42 |       |
| Фарғона  | 1,00                               | 71,25 | 0,16   | 8,16  |       |
| Сурхондарё   | 0,95                               | 70,46 | 0,36   | 37,11 |       |
| Сирдарё  | 0,90                               | 69,87 | 0,41   | 58,52 |       |
| Анджон   | 1,02                               | 69,63 | 0,42   | 20,10 |       |
| Наманган   | 0,83                               | 69,25 | 0,51   | 40,70 |       |
| Жиззах   | 1,15                               | 67,57 | 0,39   | 59,63 |       |

Республика бўйича: 1,08 77,22 0,66 41,09





